

УДК 611.341+616.

**КЎКРАК СУТИ БИЛАН БОҚИЛАЁТГАН БОЛАЛАРГА ҚЎШИМЧА СУЮҚЛИКЛАР
БЕРИШ ОҚИБАТЛАРИ**

Абдукаримова Н.У., Нишонова Д.В.,

Фаргона давлат университети, Андижон тиббиёт олийгоҳи.

✓ **Резюме,**

Илмий текширишлар 144 та кўрак ёшидаги болаларда ўтказилди. Кўрак сути билан боқилган болаларга қўшимча суюқлик бериш пешобнинг нисбий зичлиги ва болалар ривожланишида кескин ўзгаришлар кўрсатмади. Аммо кўрак сути билан боқилган болаларга қўшимча суюқликлар бериш ўткир юқумли ичак касалликлари билан оғришига сабаб бўлди.

Калит сўзлар: кўрак сути, сув, бола, пешоб, ичак, юқумли касаллик, чой нутриентлар, шарбат, организм.

**THE EFFECTS OF GIVING ADDITIONAL LIQUIDS TO THE CHILDREN NURSED BY MATERNAL MILK
(INFANTS IN ARMS)**

Abducarimova N.U., Nishanova D.V.,

Ferghana State University, Andijan State Medical Institute.

✓ **Resume,**

The scientific testing was conducted over 144 infants in arms. Additional liquid given to the infants in arms didn't show any dramatic changes in infants' health development (in urine channels). But nursing by such kind of liquids was a reason for contagious intestine disease.

Key words: Maternal milk, infant, water, urine, contagious, intestine disease, tea nutrients, juice, organism.

**ПОСЛЕДСТВИЯ ВСКАРМЛИВАНИЯ ГРУДНЫХ МЛАДЕНЦЕВ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫМИ
ЖИДКОСТЯМИ**

Абдукаримова Н.У., Нишонова Д.В.,

Ферганский Государственный Университет, Андижанский медицинский институт.

✓ **Резюме,**

Научные исследования были проведены на 144 грудных младенцах. Вскармливание дополнительными жидкостями грудных младенцев, не выявило резких изменений в относительной плотности мочи и в развитии детей. Но вскармливание детей дополнительными жидкостями, стало причиной их заболевания острыми инфекционными кишечными заболеваниями.

Ключевые слова: грудное молоко, вода, моча, кишка, инфекционное заболевание, чай, нутриенты, сок, организм.

Мавзу долзарблиги

Бир ёшгача бўлган гўдаклар учун кўрак сути энг яхши озуқа эканлиги барчамизга маълум. Боланинг ҳар тарафлама ривожланишида оқсиллар ёғлар ва карбон сувлар сингари асосий озуқа моддалар (нутриентлар, ингредиентлар) ҳамда ферментлар гормонлар ва иммунноглобулинлар каби биологик актив моддалар манба сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этиши билан бир каторда она билан бола ўртасидаги жисмоний ва руҳий муносабатлар манбаи бўлиб хизмат қилади [1,3,4]. Болаларни овқатлантириш юзасидан услубий тавсияларни ишлаб чиқишдан аввал карбон сувлар таркибидаги нутриентлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлиш лозим [2,5]. Кўрак сути билан боқилаётган болаларга эмизишлар орасида қўшимча суюқлик, яъни қайнатилган сув, 5% ли глюкоза эритмаси, шарбат, чой бериш ёки бермаслик муаммо

бўлиб келган. Бундан ташқари, яқин пайтларгача ҳам, айрим давлатларда бола бир ойлик бўлганидан сўнг унга қўшимча овқатлантиришни ёки мева шарбатларини бериш оддий ҳол эди [6,8]. Функционал имкониятлар нуқтаи назаридан болаларнинг бундай ҳолатга қўниқишлари табиий ҳисобланади [7]. Кўрак сутининг ижобий хусусиятларига унда озиқ моддаларнинг оптимал ва метёрий мувозанатдалиги, гўдак организми томонидан уларнинг юқори ҳазм қилиниши, кенг спектрдаги фаол моддалар ва ҳимоя омилларининг борлиги, ичак микрофлораси таркибига ижобий таъсири паст осмоларлик, стерилик, оптимал хароратлар кирази. Кўрак сути нафақат овқатланиш ёки ҳимоя воситаси, балки гўдакнинг ўсиши, иммунологик резистентлиги, интеллектуал қобилияти, психик ривожланишини таъминловчи восита ҳамдир. Шу билан биргаликда баъзи ҳолатларда кўрак сути орқали бола организмга турли микроорганизмлар тушиб,

чақолоқ ошқозон-ичак тракти фаолиятининг бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин [9,10,11,12,13]. Кўкрак сути ҳимоя омиллари А, G, M иммуноглобулинлар, лизоцим, иммуннокомпетент ҳужайралар чақалоқ организмнинг патоген ва шартли-патоген микроорганизмларга чидамлилигини таъминлайди. Зарарли одатлар (ичиш, чекиш) салбий таъсиротлар, шу жумладан экологик ноқулай омилларнинг эмизувчи аёлларга таъсири организм ни заифлаштириб, чақалоқни етарлича ҳимоя қила олмайди ва гўдакларда турли инфекциялар ривожланишига олиб келади. Болани фақатгина кўкрак сути билан боқиш ҳар доим ҳам инфекциялар олдини олмайди, чунки бу ҳолат кўкрак сутигадаги махсус бўлмаган ҳимоя омилларининг сутдаги концентрациясига боғлиқ. Маълумки, диарея келтириб чиқарувчи энтеробактерияларга қарши иммунитет асосан JgM ёрдамида амалга оширилади, у ҳомилага плацента орқали ўта олмгани учун ҳам чақалоқлар ичак инфекцияларидан ҳимоя қилинмаганлар.

Мақсад ва вазифалар:

Илмий изланишлар олиб боришдан мақсад, болаларни соғлом вояга етиш учун, уларда иммун тизимини тўлиқ ривожланиши, ҳазм йулларида пайдо бўлиши мумкин бўлган патологик жараёнларни олдини олиш, ичак инфекцияларини яъни ўткир юқумли касалликлар камайтириш, қон томирлар ривожланишини мустаҳкамлаш. Бундан ташқари болани кўкрак сути билан боқишда монелик қиладиган ҳолатларда (оитс, кўкрак саратони, гепатит) ва касаллик ривожланишида эмизмай боқиш, сунъий овқатлантириш, аралаш овқатлантиришга эрта ўтиш, ҳамда хавф омилларидан ирсий мойиллик, аллергия диатез, фокал инфекцияларда, болалар учун микроэлементларга бой бўлган шунингдек, енгил ҳазм бўладиган болаларни ўсиш ва ривожланишида таркиби жиҳатидан она сутидан кам фарқли сунъий қўшимча озуқа моддалар ишлаб чиқишга қаратилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.


Материал ва усуллар

Ушбу муаммони ўрганиш мақсадида биз туғруқ комплексидан чиққан 144 та гўдак болани ўз назоратимизга олдик ва ёз мавсуми давомида қатор текширувлар ўтказдик. Даставвал болалар икки гуруҳга бўлинди яъни: 1-гуруҳга 60 та (46,7%) бола киритилиб, уларга ёз мавсумида она сутидан ташқари ҳеч қандай суюқликлар берилмаган;

2-гуруҳга 84 та (58,3%) бола киритилиб, уларга собиқ Иттифоқ даврида кенг тadbиқ этилган усул асосида эмизিশлар орасида қайнатилган сув, 5% глюкоза эритмаси, мева шарбати, чой берилган.

Натижа ва таҳлиллар

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, даставвал иккала гуруҳнинг болаларида ҳам ишончли равишда ($P < 0,1$) тана вазнида ўзгаришлар аниқлангани йўқ. Текширувларимиз 1 (бир йил) мобайнида ўтказилиб, шу даврга тегишли статистик маълумотлар ўрганилганда, назоратимиз остидаги барча болаларнинг тана вазни ўртача квадратик оғишдан ҳам четга чиқмаганлиги аниқланди. Текширувлар шуни кўрсатадики, бола организмга етарли миқдорда суюқлик тушмаса сувсизланиш аломатлари вужудга келиши мумкин. Булар қаторида алоҳида аҳамиятга эга мезонлардан бири - вазннинг фарқланиши бўлса, яна бир мезонлардан бири-пешоб кўрсаткичларидир (нисбий зичлик, осмолярлик ва ҳакозолар). Пешобнинг нисбий зичлиги турли ҳолларда 1002 дан 1034 гача тебраниши кузатилди, ўртача кўрсаткич эса 1018 га тенг бўлди (1-расм) ва 1- гуруҳдаги болаларнинг кўрсаткичларидан фарқ қилмади. Пешобнинг осмолярлиги 9- ойгача бўлган болаларда ўртача 332 мосм/л тенг бўлиб, бу текширувда 1- ва 2- гуруҳ болаларнинг кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқ қилгани йўқ. Пешоб осмолярлигида кун ўтган сайин ўзгаришлар кузатилган бўлсада, иккала гуруҳ болаларда ҳам деярли бир хил кўрсаткичлар аниқланди, масалан бола туғилгандан сўнг 3 кун ўтгач, пешоб осмолярлиги $513 \pm 0,12$



1- расм. Пешобнинг нисбий зичлиги кўрсаткичлари.

мосм/л ни ташкил қилган, 6 кун ўтгач 623±0,15 мосм/л, 1 ойдан сўнг эса 1550± 0,29 мосм/л ни ташкил қилган. Бу рақамлар 1- ва 2- гуруҳга мансуб бўлган болалар учун бир ҳил кўрсаткичга эга бўлди. Шундай қилиб, текширувларимиз натижасида қуйидаги қонуниятлар аниқланди:

1. Кўкрак сути бериб боқилган ва фақат она сути билан боқилган болаларда кун ўтган сайин буйракнинг мунтазам концентрацион хусусияти бир хил ошиб борди.

Лекин 1- гуруҳдаги болаларда клиник жиҳатдан сувсизланиш аломатлари аниқланмади.

2. Иккала гуруҳ болаларининг жисмоний ривожланишида ҳам кескин фарқлар кузатилмади.

3. Бир йиллик кузатувларимиз мобайнида 1-гуруҳдан фақатгина бир бола (0,6%) ўткир юқумли ичак касаллигига дучор бўлди. Иккинчи гуруҳдан эса юқорида келтирилган муддат даврида ўткир юқумли касалликлари билан оғриган болаларнинг сони 11 тага тенг бўлиб, уларнинг жами (9,2%) ни ташкил этди. Натижада 1- гуруҳдаги болаларга қараганда, 2- гуруҳ болалари 15,3 марта кўпроқ ўткир юқумли ичак касалликлари билан оғриши аниқланди. Албатта бу маълумотлар юқорида келтирилган саволга аниқ жавоб бера олади.

Хулоса

1. Назорат остидаги болалар икки гуруҳга ажратилиб, 1-гуруҳ болаларга кўкрак сутидан ташқари ҳеч қандай суюқликлар берилмаган бўлса, 2- гуруҳ болаларига кўкрак сути билан биргаликда қайнатилган сув, мева шарбати, чой, 5% ли глюкоза эритмаси берилди. Ушбу гуруҳлардаги болалар пешобининг нисбий зичлиги, осмолярлиги текширилганда ишончли равишда ($P<0,2$ ва $P<0,5$) фарқ йўқлиги аниқланди.

2. Болалар вазнининг ўзгариши ва ривожланишида кескин фарқлар йўқ.

3. Иккинчи гуруҳдаги болалар ўткир юқумли ичак касалликларига 15,3 марта кўпроқ берилувчанлиги қайд этилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Климов П. К. Грудного вскармливания. //Вестник Росс. Академии мед. Наук. 1996; 1: 6-10.
2. Кокорина Е. Р. Грудного вскармливания. //Физиол. журн. им. Сеченова. 1995; 81 (12): 54-63.
3. Ладо до К. С. Грудного вскармливания. // Педиатрия. 1996; 9: 4-8
4. Рахимова Х.М., Рахимова К.Р. Ахметзиянова З.К. Грудного вскармливания. // Педиатрия. 2001; 3:78-81.
5. Юлдашев А. Ю., Юлдашев М.А. Грудного вскармливания. // Педиатрия. 1999; 2-3: 268-270.
6. Конь И. Я. Рациональное вскармливание и здоровье детей: современные аспекты: обзор. // Российский педиатрический журнал. 1999; 2: 45-50.
7. Конь И.Я. Система вскармливания детей раннего возраста в России с использованием отечественных продуктов питания. //Вопросы питания.1996; 5: 24-28
8. Хамидов Д. Х., Рожкова С.Н., Хафизова М. Г., Салихова Р.С. Изучение клинической эффективности применения биологически активной добавки ПАД-М. // Медицинский журнал Узбекистана. 1997; 11-12: 68 - 70.
9. Акилова Ф.А. Значение грудного вскармливания по системе ВОЗ для здоровых детей. // Вестник врача общей практики. 1997; 3: 41-43. 10. Кормление грудных детей: руководство для матерей. Программа по разработке политики в области питания. Европейское региональное бюро ВОЗ. Копенгаген. 1997.
11. Ганиев А.Г. Материнское молоко как неотъемлемая часть рационального вскармливания детей первого года жизни. // Вестник врача общей практики. 2003; 1: 62-63.
12. Шарыпов О. Т., Исхакова Х.И., Вахидова Х.М. Микроорганизмы, обнаруживаемые в грудном молоке женщин "Клиник микробиологиянинг долзарб муаммолари" // Респ. Илмий-амалий анжумани материаллари. Ташкент. 2002: 44-45.

Келиб тушган вақти 09.02. 2020